



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 22 октябрь, шанба

№ 85 (11.784)

Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 октябрь кун Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Россия Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасидаги ўз мажбуриятларини тўла-тўқисадо этмоқда, дейиш учун барча асослар бор. — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон ва Россия ўз савб-ҳаракатлари билан ўзаро алоқалар қўламини ҳар томонлама кенгайтириб бориш учун шариит яратмоқда.

Президент Ислам Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали эканлигини ва ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг яқинда Жиззах вилоятидаги

“Фориш” полигонига ўтказилган қўшма аксилтерор машқлари, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси ўзаро алоқалар кенг қамровли эканлигини яққол тасдиқловчи воқеалардир.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, халқаро майдондаги ҳамкорлигини ривожлантиришда, иқтисодий-маданий, илмий, ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар халқ ҳужалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, энергетика, сугурта, банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик, айниқса, изчил ривожланмоқда. Россия сармоёси иштирокида тузилган 400 дан ортиқ қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик санъатида, қўллаб-қўллаб муҳим соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Россияда Ўзбекистон сармоёси иштирокида тузилган 267 қўшма корхона фаолият юрғутаётди. Ўзбекистон вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига

нисбатан 42,9 фоиз ошиб, қарийб 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойига доир кўрсаткич эса 1 миллиард 337 миллион доллардан ошди.

Президент Ислам Каримов ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини ва уларнинг ишга солиниши икки мамлакат учун ҳам манфатли эканлигини таъкидлади.

С.Лавров Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳаётта муваффақиятли таъбиқ этилаётганини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар, мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Пахта – 2005

Бекобод тумани: ҚИРҚ БИР МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

Бекобод — вилоятда энг кўп пахта етиштирадиган туман. Ҳар йили шартнома мажбуриятига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун 40630 тонна хом ашё етказиб берилиши керак. Бу айрим туманларга нисбатан икки баравардан ҳам зиёдрокдир.



Пахтачиликда энг катта қарвон бўлган туман меҳнатқашлари бу йил зиммаларидаги ана шу масъулиятли вазифани ёруғ юз билан адо этдилар. Кечаги кунгача қабул пунктларига топширилган пахта 41 минг тоннадан ошди кетди. Ана шу хом ашёнинг 72 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

Кейинги икки-уч йил давомидаги муваффақиятсизликлар ҳисобга олинса, бекободликларнинг бу йилги ютуқлари, айниқса, қувончлидир. Қолаверса, кейинги йиллардаги қолоқликка барҳам бериш, тармоқда кескин бурилиш ясаш учун астойдил киришилиб, кўп ўзғаришлар қилинди. Хусусан, 8-10 фозигача шўрланган ҳамда ер ости сувлари озлашган майдонларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш усул-усулари қилиб қўйилиб, 2005 йил пахта ҳосили учун кураш кеч қуз ва қиш ойлариди бўлгандаги мавжуд барча ариқ ва зовурларни тозалаш, тубдан таъмирлашдан бошланди. Илгарилари қуз-қиш мавсумида ариқ-зовурларни тозалашга атиги 2-3 та экскаватор қўйилса, бу мавсум 30 тага яқин ана шундай техника воситаларидан юксак унум билан фойдаланилди. Натияжада сизов сувларини қорчириш мўлжалланган асосий ирригация иншоотлари тартибга келтирилди. Бундан ташқари юзлаб гектар майдонда тупроқнинг шўри ювилди.

Туман раҳбар ва мутахассислари ерларни экишга сифатли тайёрлашга эришилди мақсадида, аввало, шўрдорлашнинг сифати-га жаддий эътибор қаратишди. Ерларни илжи бори-ча қуёқ муддатда ва «чур қилиб» ҳайдаш учун 8 та ВТ-150 ҳайдов трактори лизинг усулида харид қилинди. Шу тарихи ҳужайраларнинг ушбу техника воситасига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди.



Бу йил бекободликлар яна бир муҳим, айтиш мумкинки, халқ илмуҳи аҳамиятига эга бўлган янгилликни ҳарий етиштиди. Асосий пахта майдонларига ҳар йили экиб келинган С-65-24 нав гўза ўрнига «Ан-Бобвут-2» экилди. Бу ўзгариш ҳосил тақдирини ҳал этди дейиш мумкин. Биринчидан, бу нав бирмунча эртапишар экан. Хусусан, бу йил туманда пахта аввалгига нисбатан қарийб 10 кун барвақт пишиб етилди. Иккинчидан, «Ан-Бобвут-2» ҳўлчилик мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, туманнинг тупроқ ва иқлим шароитига жуда мос бўлиб қолди. Туманда ҳеч қачон бу қадар мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмаган эди. Биринчи теримдаёқ шартнома мажбурияти 75 фоздан ошганлиги бу фикримизнинг далилидир.

Туман ҳокимлиги шўри ювилди, мелiorатив ҳолати тартибга келтирилган майдонлардаги тупроқ унумдорлигини ҳам тиклаш мақсадида булун парварииш даврида экинни озилантиришга эъри бериб, айрим майдонлар учун қўшимча ўғитлар ажратилишига эришилди. Бундан ташқари, дала-ларга ҳар қачондан кўп маҳаллий ўғит қўрилди. Экиннинг талабига қараб, шарбат усули қўллаб борилади.

Ўғитга тўйган, сувга қонган гўза қатор оранлари қанча кўп юмшатила, шунча яхши. Ҳам илдуз қисми йайрайди, ҳам гўзаниннг бағри шамоқ тегади. Натияжада ҳосил тўғуни қўяяди, йиркила-

кирган кунлари 30 мингга яқин одам теримда фаол иштирок этишганининг боиси шунда. Таъкидлаш жоизки, тумандаги 7 та ширкат ва 661 та фермер ҳўжалигининг ҳар бири умумий хирмонга баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Хусусан, Улўбек номли, «Бекобод», «Далварин» ширкат ҳўжаликлари қабул пунктларига 3300-3600 тонна сифатли хом ашё топишди, режани 105-108 фоз бахаради.

9060 гектар майдонда пахта етиштирган фермерлар 23000 тоннага яқин ҳосил етиштириб, бекободликлар ютуғига салмоқли улуш қўшдилар. Бошқача қилиб айтганда, туман пахтасининг 57 фоздан кўпроғини улар етиштириб бердилар.

Шартнома мажбурияти баҳарилан бўлсада, йилнинг терим давом этмоқда. Бекободликлар шартнома мажбуриятига қўшимча яна қанчада 2000 тонна хом ашё топширишни режалаштирилди.

Абдусамад Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: тумандаги «Улўбек» ширкат ҳўжалиги илгор теримчиси Қундузхон Эрбоева (юқорида); бош пудратчи (чапдан) Рўзибой Самодов ва раис муовини Абдулла Хамдамовлар бу йилги ҳосилдан мамун.

Даврон АХМАД олган суратлар.

РОССИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров 21 октябрь кун Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ганиев билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, мазкур ташриф Ўзбекистон-Россия муносабатларига доир долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият эканлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий муносабатларнинг бугунги аҳоли, истиқболдаги вазифалар, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, экстремизм каби таҳдидларга қарши курашга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шу кун С.Лавров Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар ҳамда долзарб халқаро муаммолар ҳақида сўз юритилди.

(ЎЗА).

ҲАФТАДА БИР КУН

Бекобод тумани хотин-қизлар қўмитаси янги ташаббус билан иш бошлади. Барча маҳаллада аёлларни навбат билан қабул қилиш кунли белгиланди.

Туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокидаги бундай қабул-лаҳда аёлларни қийнаётган муаммолар ва бошқа масалалар муҳокама қилиниб, мутасадди ташкилотлар томонидан ҳал этилмоқда.

Ушбу ташаббусдан мақсад аёлларда ўларига бўлган ишончнинг андада ортириш ва ҳамиятда тугган ўринларини янада кенгайтиришдир.

Рустам НЕЙМАТОВ.

Шу кунларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига қузги қақирув қизин давом этмоқда. Бу жараёнда ҳарбий ҳаво кучлари, десант ва чегара қисмлари, бошқа қўшин турларида хизматни ўташни орзу қилган йигитлар хисмоний жиҳатдан чиниқиб, пухта тайёргарлик кўрганилик яққол кўзга ташланмоқда.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида воғза етган йигитларнинг навбатдаги гуруҳи чоршанба кун қақирув пунктга тўпланишди. Ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитларнинг қайси бири билан суҳбатлаш-

Мардлар қўриқлайди, Ватанимиз! ҲАЁТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО

манг, муқтақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига хизмат қилиш, она юрт муқтақиллигини қўриқлаш ниҳоятда шарафли бурч эканлиги ҳақида тўққиланиб гапирди.

— Катта акам десант қўшинларида хизмат муддатини ўтаб келди, — дейди Оққўрғондаги Охунбобов номи шўртак ҳўжалигидан хизматга жўнаб кетаёт-

ган Санжар Мавлонов. — Мен бўлсам чегарачи бўлмоқчиман. Қақирув комиссияси текширувлари, тест синовларини муваффақиятли ўтдим. Мана, ниятимга етдим — чегара қисмига жўнаб кетаяман.

Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий хизматга қақирилув-

(Давоми 2-бетда).

ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИ

Мамлакатимиз пойтахти яна бир нуфузли халқаро турнирга мезбонлик қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2005 йил 18 октябрдаги Фармойишига биноан, спортнинг бадий гимнастика турини янада оммавийлаштириш мақсадида 3-7 ноябрь кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали — 2005» халқаро турнири ўтказилади.

Ушбу мусобақа Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Ўзбекистон Миллий Олимпиа қўмитаси ва Бадий гимнастика федерацияси ташаб-

буси билан иккинчи мартаба ташкил этилаётди. Ўзбекистонда спортнинг бошқа турлари қатори бадий гимнастикани ривожлантиришга Президент Ислам Кари-

мов томонидан берилган улкан эътибори ва юртимизнинг ҳар қандай йирик спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги катта тақрибасини инобатга олган ҳолда. Халқаро гимнастика федерацияси раҳбарияти ўтган йили 28 сентябрь — 2 октябрь кунлари бу нуфузли турнирни ўтказиш учун Осиё ҳудудида илк бор мамлакатимизни танлаган эди.

Юртимизда бадий гимнастика оид анъаналар ўтган асрнинг 40-йилларига бориб тақалади. 1956 йилда илк республика му-

(Давоми 4-бетда).

ФИТНАНИ ДАЛИЛЛАР ФОШ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича давом этаётган суд жараёнида узрли сабабларга кўра суд мажлисида қатнаша олмаган жабрланувчилар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар ва даъвогар фуқароларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди.

Шундан сўнг жиноят ишида мавжуд материаллар билан танишишга ўтилди. Воқеа жойини кўздан кечириш, судланувчиларнинг шахсини таниб олиш баённомалари, содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида өтказилган мулзий-моддий зарарлар бўйича суд-товаршунослик экспертизаси ҳулосалари билан танишилди. Тегишли суратлар, слайдлар намойиш этилди.

Дастлабки тергов давомида иш бўйича 15 нафар айбланувчи воқеа жойига олиб борилган. Улар билан ҳолислар иштирокида текширув ўтказилган, воқеалар жараёни синчиқлаб ўрганилган. Буларнинг барчаси суратга туширилган, тасвирга олинган ва белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилган. Судда ана шу текширув

баённомаси ўқиб эшиттирилди. Баённомалар қайд этилганидек, айбланувчи А.Ҳакимов 8 май кунги Қўрғизистондан олиб келинган қурол-ярроғни «Офис лайн» фирмаси омборхонасига яшириб қўйишгани ҳақида кўрсатма берган. Айбланувчи А.Ҳакимов ҳарбий қисмга, ундан сўнг қамқоқхонага ҳужум қилишда қатнашгани, у ерда бир ҳарбийини отиб ўлдиргани тўғрисида сўзлаган.

Айбланувчи Ф.Нодиров 12 майдан 13 майга ўтар кечаси «Акроний» биродарлари томонидан қамқоқхонадан озод қилинган, ташқарида тарқатилаётган қурол-ярроғ ичиндан автомат олгани, Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига ҳужумда иштирок этиб, сўнг вилоят ҳокимлигига бор-

(Давоми 2-бетда).

Обуна-2006 ВИЛОЯТ КУЗГУСИ

Юртимизда рўй бераётган катта-катта ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар, дунёда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ, лўнда маълумотлар берувчи, айна-қалбад, вилоят ҳаётини атрафлича ёритувчи севимли газетамиз «Тошкент ҳақиқати»ни ишларимиз билан қизиқиб ўқий-миз. Шунингдек, жамоат ишларида фаоллик, доимо халқ билан, одамлар билан иш олиб боришда ҳар томонлама тўқил маълумот ва ахборотга эга бўлишнинг ахамияти катта. Яъни, маҳаллаларда, қондонларда, оилалардаги маънавий соғлом муҳитни шакллантиришда, ёшлар, воғза етмаган ўмирлар билан ишлашда ҳам матбуотнинг ўрни беқўб. Айниқса, маҳалла маслаҳатчиси сифатида ўтказилаётган ҳар қандай маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувларда ушбу соҳа ходимларининг иштироки кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади ва ўзининг ижобий натижасини берилади. Шу маънода, 2006 йил учун обуна мавсуми давом этаётган айни кунларда бутун маҳалламиз билан «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна бўлишга аҳд қилдик. Вилоятимизнинг бошқа маҳаллалари ҳам бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга ишончмиз.

Ёқутхон МўМИНОВА, Тошкент тумани Чўштепа қишлоғидаги «Наврўз» маҳалласи маслаҳатчиси.

2006 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетасининг айнаеки — 205.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 6 columns: ДУШАНБА 24, СЕШАНБА 25, ЧОРШАНБА 26, ПАЙШАНБА 27, ЖУМА 28, ШАНАБА 29, ЯКШАНБА 30. Each column lists TV programs and their start times for various channels like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, and СПОРТ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Савдога қуйидагилар қўйилади:
1. «КАМАЗ-5410» русумли автомобиль, давлат рақами 16 АК 364, бошланғич нархи — 1 000 000 сўм.
2. «КАМАЗ» учун прицеп, давлат рақами 16 А 591, техник носоз, бошланғич нархи — 300 000 сўм.
3. «УАЗ-469» русумли автомобиль, давлат рақами 11 N 0365, техник носоз, бошланғич нархи — 300 000 сўм.
4. «ГАЗ-53» русумли автомобиль, давлат рақами 11 F 5085, техник носоз, бошланғич нархи — 200 000 сўм.
Кимошди савдоси (аукцион) 2005 йил 1 ноябрь куни соат 11.00 да
1. «КАМАЗ-5320» русумли автомобиль, давлат рақами 16 А 2256, бошланғич нархи — 1 300 000 сўм.
2. «КАМАЗ» учун прицеп, давлат рақами 16 А 574, техник носоз, бошланғич нархи — 300 000 сўм.
3. «УАЗ-3303» русумли автомобиль, давлат рақами 30 E 9862, техник носоз, бошланғич нархи — 250 000 сўм.
4. «ГАЗ-5327» русумли автомобиль, давлат рақами 10 AF 882, техник носоз, бошланғич нархи — 310 000 сўм.
5. «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли автомобиль, давлат рақами 11 U 2563, техник носоз, бошланғич нархи — 550 000 сўм.
6. «ГАЗ-66» русумли автомобиль, давлат рақами 11 L 6391, техник носоз, бошланғич нархи — 1 797 833,9 сўм.
Кимошди савдоси (аукцион) 2005 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлимида
— Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уйнинг 3-қаватида ўтказилади.
Кимошди савдосида қатнашадиган қоронғилар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоиз миқдоринда тўлов тўлаб қатнашадиган бўлиши мумкин.
Кимошди савдосида қатнашган учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Судлар департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими биносида яқшанба кундан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Кимошди савдоси ўтказилмайдиган кундан 3 кун олдин ариза қабул қилиш тўхтатилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.
Маълумот учун телефонлар: 152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

В соответствии с решением Наблюдательного совета ОАО «УзБМЗ» от 21 октября 2005 года, принято решение о созыве внеочередного общего собрания акционеров ОАО «УзБМЗ», со следующей повесткой дня:
1. Переизбрание Наблюдательного совета ОАО «УзБМЗ».
2. Итоги финансово-хозяйственной деятельности ОАО «УзБМЗ» за 9 месяцев 2005 года.
3. Утверждение аудитора общества на 2005 год и размера вознаграждения, выплачиваемого аудитором.
4. Осуществление реконструкции и капитального ремонта производственных и административных зданий ОАО «УзБМЗ» за счет инвестиций ДП «Вика Энтэрпрайз», а также финансовые взаимоотношения между ОАО «УзБМЗ» и ДП «Вика Энтэрпрайз».
Внеочередное собрание акционеров состоится 22 ноября 2005 года в административном здании ОАО «УзБМЗ». Начало собрания в 15.00, начало регистрации в 14.00. Реестр акционеров, имеющих право на участие в собрании закрывается 22 октября 2005 года.
Информация о существенном факте
Порядковый номер сообщения — 15
СП ОАО «Andjokabel», расположенное по адресу: Узбекистан, Андижанская обл., г. Ханабад, ул. Улугбека 47, сообщает следующие сведения. Дата получения кредита в размере, превышающего 50% уставного фонда — 21.10.2005г.
Срок кредитования — 1 год.
Дата погашения кредита — 20.10.2006г.

• Sport • Sport • Sport • Sport •

Шарқ гўзаллари Тошкентда учрашади

собекалари - Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Қисқа фурсатда Ўзбекистон бадий гимнастика мактаби дунёга танилди. Жаҳон спортининг Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холдова, Яна Батиршина каби кўпга юлдузлари шу заминда улғайган. Мустақиллик йилларида диёримизда бадий гимнастикага эътибор янада ортди. Ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом этиб тарбиялашга қаратилган давлат сўбасининг самараси ўлароқ, нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам ёш гимнастикчиларни тарбиялаш борасида ўз услубига эга мактаблар пайдо бўлди. Спортнинг бу туридаги гўзал анъаналари билан машҳур юртимизда эндilikда истеъодли спортчиларнинг янги авлоди камол топмоқда. Олеса Ашваева, Анастасия Берестекая, Екатерина Бабина, Рита Алимова, Ульяна Трофимова, Раъно Муҳаммадова каби мустақиллик йилларида тарбияланган бадий гимнастикчи қизларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Терма жамоамизнинг тажрибали гимнастикчиси Олеса Ашваева 2004 йили Осий чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди. Кичик ёшли гимнастикчилар баҳсида қатнашган Ульяна Трофимова биттадан олтин ва бронза медални кўлга киритди. (Давоми. Боши 1-бетда).

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ЖОЗИБАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ёшлар марказида "Ҳамиша жозибдорсан, она тилим!" мавзуда китоблар кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида" ги қонунини ҳамда унга шарҳлар, ўзбек адабий тилининг асосчиси - бобоқалонимиз хазрат Алишер Навоий асарлари, тилшунослика оид илмий адабиётлар, рисола-

Испанияда кўргазма

Ўз ўтмиши, бугуни ва келажагига бўлган муроқабатида муҳасамидир - дейди, кўргазмага баҳо бериб, "MOM Production" санъат компанияси вакили Хелена Фебрес. - Фикримча, кўргазмада Ўзбекистонга кизиқувчилар учун кўпга фойдали ва кизиқarli экспозиция тақдим этилган. Мен ундан катта таассурот олдим ҳамда халқ санъати намуналарининг гўзаллиги ва бекиёсплигидан хайратландим. Улар Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой маданиятини ёрқин ифодалайди, саховатли ўзбек халқининг қалбини тушунишга имкон беради. "Жаҳон" АА.

Қўшиқлари - Кўнгил Мулки

Оҳангаронлик ҳушовоз хонанда Раъно Қосимова суратига баъзи чизгилар

Дилдан-дилларга кўчиб, бутун жозибаси, оҳангарони билан ҳаёт дарёсини тўлдириб, тўлқинлантириб кўшиқ янграмоқда: **Севги менинг кечмишимдир, бугунимдир, Оловимдир, кудимдир ҳам кукунимдир. Бу йўлларда охири бир кун тўкилгумдир, Севги менинг кўнгилдаги тугунимдир...** Раъно сел бўлиб кўшиқ айтаяпти-ю, хаёлимида Оҳангарон воҳасининг боди саболари енгилган эсиб, қалбимни жунбишга келтираётгандек бўларди. Мана шу муслиқ сехр, мана шу шеврий хайрат бир олам нур, эй таратиб, кўнгилга ажиб илиқлик бахш этарди. ... Юксак тоғ баргидаги тошлар орасидан сизиб чиққан минг-минглаб зилол томчилар қайнар бўлоққа айлиб, паства отилганини кўрганмисиз? Ана шу иромқ ўзида кучли шидат тунди. Иромқлар кўшилди, тоғ дарёсига, дарёлар эса, бирлашиб қудратли монанга айланган. Санъатимиз қосонасига тетапов қилиб кириб келаётган ёш хонан-



лан, нималаргадир интиқлик билан яшайди. Умидли инсон ҳақиқий иходкордир. Раъно табиатан куюнак, бироз кизиққонроқ, устига устак у зуф ҳақида гапиришни, муваффақиятларини айтиб мактангани билмайди. Ҳарқалай, айтса айтувдек, кўз-кўз қилса арзғулик ютуқлари ҳам бор. Кўрик-танловларда, турли тантаналарда «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» шiori остида ўтказилган вилоят ёшларининг фестивалида, «Зарафшон» концерт залида ўтказилган Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов ижодига бағишланган концерт дастурида меҳмон си-

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бекобод шахрида 1991-1992 йилларда туғилган ўсимрлар ўртасида эркин кураш бўйича ўтган Ўзбекистон биринчилиги юртимизда кўпга умидли ва истеъодли полвонлар вояга етаётганини кўрсатди. Мусобақда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 200 нафарга яқин полвон иштирок этди. Ун вази тоифасида ўтказилган биринчилигида Тошкент шахридаги Республика Олимпия захиралари коллежида тахсил олаётган эркин курашчилар олтин медални кўлга киритиб, маҳорат ва тажриба бобида рақибларидан устун эканликларини исботлади. Коллеж ўқувчиларидан Бекободлик Фаруҳхўжаев ва Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Шаёт сабоқлари

– Энди бу умр савдоси болам, деди ота. – Улар шуни лозим топилса, кўнмасдан иложимиз йўқ. Ахир у ҳам бегона эмас... Орадан кунлар, ойлар ўтди. Икки қуда маслаҳатни бир жойга қўйишди. Нозимахоннинг бўлажак фарзандини хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлишини, қайнопога беришга келишишни. Кун-соати этиб ўғил фарзанд дунёга келди. Гўдак икки ой ўз онаси бағрида бўлди. Сўнгра қайнопа гўдакни олиб кетгани келди. Шунда у келинга: – Нозимахон, сиз ҳеч хавотир олманг, бу сизнинг ҳам, менинг ҳам фарзандим. Хоҳлаган вақтингизда кўриб туришингиз мумкин. Уни ўзимиз тез-тез олиб келиб тураемиз. Ахир тўққан ҳам она, боққан ҳам онаку, – деди. Ийлар кетидан йиллар қуваллашиб ўтиб борди. Умиджон уч ёшга кўнган кун Нозимахон турмуш ўртоғи билан фарзандлари-

– Балким... – Ҳа, айланай, ишқилиб охири яхши бўлишини, фарзандингизга бўлган меҳрданми ёки Яратганининг марҳаматими, шундай бўлиб қолди. Нозимахоннинг чехраси бирдан ёришиб кетди. «Агар олам фарзандли бўлсалар, ўғлимни олиб кетаман», деган фикр хаёлига келди ва буни эрига айтди. Эри эса: – Куй, онаси, ахир бола оламни онам, почманми отам деб ўсапти. Бу ишимиз яхши бўлмас, – деди. Орадан ойлар ўтиб қайнопа қизлик бўлди. Энди у Умиджонни Нозимахонга кўрсатмасликка ҳаракат қилар, кунларнинг бирида она ҳақиқатини фарзандига айтиб қўйишдан чўчир эди. Орадан анча сувлар оқиб ўтди. Умиджон одобли, ўқимишли йиғит бўлиб улғайди. Нозимахон ҳам келинлар туширди.

Ўзбек расмони мукофотланди

Исроилнинг Хайфа шаҳрида «Йул ҳаракати хавфсизлиги» шiori остида ташкил этилган XI Халқаро қарикатура танлови қалибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур танлов ЮНЕСКО Миллий маркази, Исроилнинг қатор вазирилари ҳамда Хайфа ҳокимияти томонидан ташкил этилди. Унда дунёнинг 53 мамлакатига мансуб 400 дан зиёд мўйқалам усталари иштирок этиб, ўз тасвирий санъат намуналарини хайбат ҳукмига ҳавола этишди. Улар орасида Ўзбекистонлик расомлар – Р.Азизов, А.Восихонов, М.Эшонқулов, В.Муромцев, Е.Азизова ва А.Гвардиянинг ижодий ишлари ҳам бор эди. Танлов якунига кўра Ўзбек расоми Радик Азизов нуфузли иккинчи соврин билан тақдирланди. Кубалик расом Хосе Л. Лопес биринчи совринга, ҳитойлик мўйқалам устаси Фенг Бо эса учинчи ўринга сазовор бўлишди. – Мен ЮНЕСКО шафёлигида ташкил этилган ва ташкилотнинг 60 йиллик айёмига бағишланган ушбу нуфузли танлов лауреати бўлганимдан беҳад хурсандман – дейди тақдирот маросимида иштирок этган Р.Азизов. – Танлов шiori мамлакатимизда Саломатлик йили деб эълон қилинган жорий йил вазибаларига кўп жиҳатдан монандир. Ўз ижодий ишларимиз орқали биз бутун дунё халқларига тинчлик ва яхфисизлик қояларини етказишга интиламиз. Баҳром Шарипов, «Жаҳон» АА.



Ота-она нима гаплигини пайкай олишмади. Қуда-андалар билан шу вақтгача сан-манга бормаган бўлсақ, кувёни ўз ўғлимиздек кўрсак. У ҳам бор-ўйғига кўнадиган, ор-номусли йиғит бўлса... – Отажон, – гап бошлади йиғи аралаш Нозимахон, – қудаларингиз туғилажак фарзандимни фарзандсиз қизларига беришимни сурашайми. Қайси кўл, қайси юрак билан уларга топшираман. Ахир айтишди-ку, «Унта бўлса, ўрни бошқа...» деб. Мен бунга чидай олмаман. Кувёнингиз ҳам лом-ним демаяптилар.

ТУҶҚАН ОНАМИ ЁКИ БОҚҚАН?

Кузнинг изгиринли кунлари. Яшанба дам олиш кунини бўлгани учун ҳамма жамулжам. Нозимахоннинг турмуш ўртоғи гап бошлади: – Уч-тўрт кун бурун опам кўнғироқ қилгандилар, сизларга айтмай, уларнинг келишларини пойлаётган эдим. – Тинчликким, дадаси, гапира қилинг? – Чоршанба кунини сарпони катта қиласиз, онаси, Умиджонни уйлашайтган экан. – Уйимизга келиб айтмас эканларми? Ахир... Мен...! Нозимахон кўз ёшларини тўхта олмай, даст турди-да, ташқарга отилди. Келинлари уни юпатишга ҳаракат қилишди. Бўлаётган воқеалардан энди ҳамма хабардор эди. – Никоҳ ўқилаётганда сизнинг исмингизни айтиб ўқишини. Ахир бу умр савдоси, – деди эрига кўз ёшларини артиб Нозимахон. – Кўйсанг-ўни онаси, шунчасига чидаган, бунисига ҳам чидайлик. Юк кўтарган юзага чиқади, дейишди-ку. – Мен тўйга боролмайман. – Ундай қилма, онаси. – Ахир... қандай қилиб... Тўйхона одамлар билан гавжум. Карнай-сурнай садолари остида келин-куёв даврага кириб келишди. Кувёнинг либослари ўзига жуда ярашган, гўё узукка кўз қўйгандек эдилар. Нозимахон кувёга тик боқолмайди. Чунки меҳрдан кўзалари жиқ-жиқ ёшга тўлган. Кувё даврдан кимидир ахтарайтгандек эди. Нозимахон: «Мана, мен шу ерданман, онанг мен буламан» деб ҳайқиргани келди-ю, ўзини базўр тутди. Тўй жуда чиройли ўтди. Даврани бошловчиси икки онани келин-куёв қўлидан гул олишга чорлади. Шу вақт оналар юрагини ўртайдиган майин куй таралиб, шеър ўқилди: **Неча кунки, йўқ, оромим, кололмасман хушимга. Онажоним кечалари кириб чиқар тўшимга. Қўлларида оқ елпигич ой нурида ялтирар, Онажоним илмалб мени қошларига қақирар.** Нозимахон кўзларида ёш билан, бутун вужуди, бутун борлиги билан кувёлик либосида турган ўғлига талпинди... Ҳаёт шу қадар мураккаб. Унинг қонунини ким томондан ёзилган. Балки, ҳар ким ўзи учун яратар бу қонунини. Бунда ҳато қилиш мумкинми? Ҳатони тузатишга имкон бериладими? Саволлар, саволлар... Саволларнинг поёни йўқ. Жавобни эса ҳар биримиз ўзимиздан излаймиз. Аслбек ХОЛОВ.

Об-ҳаво

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 22 октябрни кунини Тошкентда ҳам ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 7-12 метр, айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундига 7-12 метргача кўнади. Кечаси 7-12, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 7-12 метр, айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундига 17-22 метргача кўнади. Кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади. Серғели туманидаги 7-ўрта мактаб томонидан 1998 йил 16 июнда Язиповна Мария номига берилган ВЗК 057194 рақами 9-синфини тугатганили ҳақида гувоҳнома йўқолишига сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. СП «Хималай» обявляеет о намерении преобрести 25% акций ОАО «Келес АТП», г. Ташкент, пл. Ак теле, 62. Акмал Икромов туманидаги «Шер-Джазон Ко. Лтд» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси (ОКПО 17050961) ТУГАТИЛАДИ. Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 54-04-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади. «Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 25 октябрда чиқади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентнинг асли ва ҳақиқати. Мустақиллик Тошкент вилояти ҳокимлиги. Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54. Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир. Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 2789. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар КҲУҚОРОВ. Белгилли материаллар – реклама материаллари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5